# Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВнинг республика қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойида сўзлаган нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Қишлоқ хўжалик соҳаси, унинг тармоқларини янги иш услубига ўтказаётган ислоҳотнинг асосий мақсади аввaламбор деҳқонларимизнинг ишдан манфаатдорлигини тубдан ўзгартиришдир, ўз меҳнатини — ҳосили, пировард натижасини биринчи навбатда ўзларига қайтаришдир, уларнинг турмуш даражасини, савиясини кўтаришдир.

Демак, бизнинг ҳозирги асосий вазифамиз деҳқонларга ўз меҳнати самарасидан тўла-тўкис фойдалана олишга бўлган ишончини кучайтиришимиз керак. Бу эса деҳқонларга деҳқон ишончини қайтаришдир. Қишлоқда қайта қуришнинг асосий мазмуни, менимча, мана шундан иборатдир.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни қандай ташкил қилмайлик, қай томонга бурмайлик, бир нарсани ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. У ҳам бўлса шуки, деҳқон бой бўлмасдан — ишчи ҳам, зиёли ҳам тўқ бўлиши мумкин эмас, халқимизнинг, эл-юртимизнинг ҳаётини, келажагини фаровон қилиб бўлмайди. Бу аниқ гап.

Шунга асосланиб, жамоа ва давлат хўжаликларининг ишларини тубдан ўзгартиришимиз керак, шахсий, кооператив ва деҳқон фермер хўжаликларига кенг кўламда йўл очиб беришимиз лозим.

Колхоз ва совхозларга келганда, аввaламбор, уларнинг хўжалик юритиш механизмини қайта қуриш керак.

**Биринчидан,** раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозликка асосланган усуллари иқтисодий, бозор муносабатларига асосланган усуллар билан алмаштирилмоғи керак. Бошқарувнинг бутун механизми шахс ва коллективнинг моддий манфаатдорлиги қоидаларига асосланиши лозим. Шунда кам сарф-харажат билан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш мумкин.

**Иккинчидан,** ҳозирги хўжаликларнинг ички тузилиши ижара-кооператив усулига алмаштирилиши керак. Барча ишлаб чиқариш воситалари ва хизмат кўрсатиш соҳалари мустақил хўжалик ҳисобидан ижара, кооператив ва акционер коллективлари билан алмаштирилиши лозим.

Республикамизда юқорида айтилган услубда, оила ва ижара пудрати асосида иш кўраётган кўпгина хўжаликлар мавжуд. Уларнинг иш натижалари эски услубда ишлаётган хўжаликларнинг иш натижаларига нисбатан анча юқори. Чунки улар замиридаги иқтисодий омил механизми оддий ишчи манфаатини жамоат манфаатлари билан чамбарчас боғлаган. Меҳнат ҳақини ошириш ва моддий фаровонликни юксалтиришни таъминлайди. Бундай хўжаликларда бошқарув аппарати кескин қисқаради. Масалан, Ким Пен Хва номли колхознинг бошқарув аппарати 6 кишидан иборат.

Мана шу янги услубда ишлайдиган давлат ва жамоа хўжаликларига биз кенгроқ йўл очиб беришимиз лозим. Уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашимиз керак.

Биз меҳнат жамоаларини ижара муносабатларига жалб этиш бўйича янада фаол иш олиб боришимиз зарур.

Кейинги йилларда бизларни ташвишга солаётган катта бир муаммо тўғрисида айтиб ўтишим керак. Айрим кишиларнинг жамоа хўжаликларини бўлиб ташлаш керак деган талаблари жуда кўпайиб кетяпти. Буни қарангки, ўтган йили экиладиган ер кўпаймаса ҳам республикамизнинг ўзида қўшимча 60 га яқин хўжалик пайдо бўлибди.

Албатта, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган масалаларни бир ёқадан бош чиқариб, баҳамжиҳат кўриб чиқишимиз керак. Лекин бу ҳол кўп жойларда, очиғини айтганда, айрим кишиларнинг ўзлари учун раҳбарлик лавозимларини яратиш, маҳаллий ҳокимият ва мансаб учун курашига айланиб кетаётганини яққол кўриш мумкин.

Мана шу амалга интилаётган кишилар эртага бозор иқтисодига ўтганда, фойда бермаётган, ўзини боқиш қўлидан келмаётган майда хўжаликларнинг, шу хўжаликларда пешона тери тўкиб меҳнат қилаётган деҳқонларнинг тақдирини ўйлайдиларми ёки йўқми? Шундай хўжаликлар борки, улар топган даромадидан тахминан ярмини амалда мансабдорларга маош тўлашга сарфлайди. Бу сизга маълум. Буни қандай баҳолаcа бўлади?

Ижарадорлик ва матлуботчилик бундай ноҳуш ишларни инкор этади. Шу сабабли ижарадорлик яхши йўлга қўйилган жойлардан жамоа хўжаликларини бўлиш, уларни майдалаштириш ҳақидаги талаблар ҳам тушмаяпти.

Бу — табиий қонуний бир ҳолдир. Бундай жойларда меҳнаткашлар ва раҳбарлар кўпроқ ишни яхши ташкил қилишни ўйлайдилар. Бошқа ишларга ва ҳаракатларга уларнинг вақти ҳам қолмайди.

Бозор иқтисодига ўтаётирмиз. 650 хўжаликнинг банкдаги ҳисобларида бир тийини ҳам йўқ. Эртага улар аҳолисини нима ҳисобидан боқади? Наҳотки, давлат боқади деб ўйлашса? Кўрпага қараб оёқ узатиш лозимлигини бугун рўй-рост айтишимиз керак. Шундай экан, раҳбар келажакни олдиндан кўра билиши керак. Ҳаёт маромини сезмайдиган раҳбар раҳбар эмас.

Халқимизни озиқ-овқат билан таъминлашнинг биринчи йўли колхоз-совхозларни янгича асосда ривожлантириш бўлса, иккинчиси — шахсий ёрдамчи хўжаликларни кучайтиришдир.

Илгари ҳар бир оилага 12 сотих ер тўғри келган бўлса, 1991 йил бошида бу рақам 17 сотихни ташкил этди. Йил охирида шахсий хўжаликларга ажратилган ер 500 минг гектардан ошиб кетади, яъни 1988 йилга нисбатан 2,5 марта кўпаяди.

Тармоқларни кўпайтириш ва кенгайтириш ҳисобига 600 минг киши меҳнатга жалб этилди. Кўплаб одамлар иш билан таъминланди, бу эса қишлоқлардаги ижтимоий кескинликни муайян даражада камайтирди.

Шахсий томорқаларни кўпайтиришнинг яна бир афзаллик томони шундан иборатки, бу тадбир қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари миқдорини оширишга имкон беради. Ҳисоблар шуни кўрсатяптики, мавжуд шахсий хўжаликлардаги ҳосилдорлик колхоз, совхозлардагига нисбатан 2-3 баравар кўпдир. Ҳозирнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 26 фоизи, шу жумладан гўштнинг 49 фоизи, сутнинг 65 фоизи, жуннинг 66 фоизи ва сабзавотнинг 43 фоизи шахсий томорқаларда етиштириляпти. Ўтган йилнинг ўзида якка хўжаликларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг умумий ҳажми 300 миллион сўмлик ошди.

Халқимизнинг, деҳқонларимизнинг фаровон яшашини таъминлаш, уларнинг даромадини кўпайтириш асосий мақсадимиз экан, шуларни рўёбга чиқариш йўлларини изчиллик билан чуқур ва пухта ўйлаб топишимиз зарур. Иқтисодчиларнинг айтишига қараганда, деҳқоннинг даромадини кўпайтиришнинг учта асосий манбаи бор. Ана шу масала хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш керак деб ўйлайман.

**Биринчи манба** — қишлоқ аҳлининг иш ҳақини ошириш, асосий маърузада жамоа хўжаликларида ишни ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳақида кўп тўғри гаплар айтилди. Маҳсулот таннархини камайтириш, пахта сифатини яхшилаш, харид нархини ошириш, қўл терими ва машина терими учун тўланадиган ҳақни ошириш ҳисобидан ўтган йили халқимиз анча наф кўрди.

**Иккинчи манба** шуки, уни тўла очиш учун қишлоқдаги ижтимоий муаммоларни зудлик билан ҳал этиш зарур; болалар боғчалари, шифохоналар қуриш, коммунал ва маиший хизмат тармоғини кенгайтириш, нафақа ва бошқа пул ёрдамлари даражасини ошириш вазифалари шу жумлага киради. Ҳозирча қишлоқ аҳли ижтимоий фондлардан етарлича фойдаланаётгани йўқ.

Аҳоли даромади ва турмуш даражасини ўстиришнинг **учинчи манбаи** — шахсий томорқаларни кенгайтириш. Томорқа беришдан мақсад фақат қўшимча маҳсулот олишга эришишдан иборат эмас. Бу — уй-жой қурилишини ривожлантириш, одамларни, айниқса аёлларимизни иш билан таъминлаш, кичик корхоналар ташкил этиш имкониятларини ҳам яратади. Шуни айтиш керакки, ер ажратиб берилаётганда кўпгина хўжалик раҳбарлари хавотирда эди — улар жамоа хўжаликларида етиштириладиган маҳсулот камайиб кетмасмикин, деб ўйлаган эдилар. Бу хавотир ўринсиз бўлиб чиқди. 1990 йилда жамоа хўжаликлари маҳсулоти 1989 йилдагига нисбатан 103 фоизни ташкил этди. Шахсий хўжаликларнинг берган маҳсулоти ҳажми 108 фоизга ўсди.

Аммо бу борада ҳали муаммолар оз эмас. Баъзи колхоз ва совхозлар бу муҳим ишдан ўзларини четга олмоқдалар. Кези келганда шуни айтишим керакки, яқинда ташкил этилган шахсий хўжалик уюшмасидан умидимиз катта.

Деҳқонларга ортиқча маҳсулотларни сотиш ва қайта ишлашни ташкил қилиш, уюшма аъзоларининг манфаатларини ҳимоя этиш, уларни қурилиш материаллари, кўчат, мевали дарахт ва ток кўчатлари билан таъминлаш, илмий ва амалий ёрдам бериш вазифалари ана шу ташкилотнинг зиммасидадир.

Ўзларингизга маълумки, бундан 4-5 кун аввал Ўзбекистон ССР Президентининг «Шахсий томорқа хўжаликларининг эгалари бўлмиш деҳқонларга молиявий ёрдам бериш ва улар уюшмаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Бу ҳужжат билан танишганлигингизни ҳисобга олиб, у ҳақда икки оғиз гапираман, холос.

Ушбу фармонга биноан деҳқонларга, шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларига молиявий ёрдам тариқасида 1 миллиард сўм ажратилиши уларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашда катта омил бўлади. Қўшимча ажратилаётган молиявий ёрдам асосан иқтисодий жиҳатдан заиф хўжаликларни қўллаб-қувватлашга, моддий-техника базасини кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга, маҳсулотни қайта ишлайдиган кичик корхоналар қуришга, транспорт воситалари, кичик механизация техникаси ва чорва молларни сотиб олишга сарфланади. Шуни очиқдан-очиқ айтишимиз керакки, деҳқонларимиздан қарзимиз жуда кўп. Шахсий хўжаликларга берилаётган ҳозирги ёрдам — биринчи қадам, ҳамир учидан патир деса бўлади. Қарзимизни узишимиз учун ҳали кўп хизмат қилишимиз керак. Аминмизки, бу ҳаражат 3-5 йилдан кейин республикамизга икки-уч баравар ортиғи билан қайтади.

Ишлаб чиқаришнинг бошқа янги усули — деҳқон фермер хўжалиги имкониятларини ҳам ҳисобга олмаслик, бизнинг фикримизча, хатодир. Булар қишлоқ хўжалигини инқироздан олиб чиқадиган йўлдир.

Деҳқончилик хўжалигининг асосий хусусияти шундаки, унинг кўлами ва имкониятлари кенг, энг муҳими, у товар ишлаб чиқаради. У доимий фойдаланишга берилган шахсий томорқа ерларида ривожланади. Бошқача қилиб айтганда, деҳқонларимиз ернинг ҳақиқий эгаси бўлиб қолади, лекин уни сота олмайди. Демак, деҳқонларимизнинг манфаатдорлиги кучаяди, у ўз ихтиёри билан, ўз оиласининг эҳтиёжларини кўзлаб унумли меҳнат қилишга қодир бўлади.

Бу шаклдаги хўжалик юритишни ҳохловчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барча совет ва хўжалик ташкилотлари, колхоз ва совхоз раҳбарларининг бурчидир.

Деҳқончилик хўжаликларини қисқа вақт ичида керакли техника воситалари билан таъминлаш лозим.

Иқтисодиётимизнинг муҳим соҳаси бўлган қишлоқ хўжалигида фақат кетмон, бел ва паншаха билангина чекланиб қолмай, замонавий машиналарни кенг жорий этиш даркор.

Одамлар кичик тракторларни, бошқа қулай ва ихчам техника воситаларини талаб қилмоқдалар. Афсуски, саноатимиз бу ниҳоятда зарур эҳтиёжларни ҳануз қондирмаяпти.

Шу боис республикамизда деҳқон хўжаликлари учун кичик ҳажмдаги техника воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш жуда катта муаммоға айланиб қолди. Буни ўзимизда жойлашган саноат корхоналари орқали ҳал қилишимиз зарур.

Деҳқон хўжаликларини ривожлантиришнинг яна бир ҳал этилиши лозим бўлган масаласи бор. Бу чорвачилик маҳсулоти етиштиришдир. Бундай хўжаликларнинг кўпчилиги сут етиштиришга ихтисослашган, баъзилари эса бўрдоқичилик билан шуғулланади. Аввaламбор шу хўжаликларни ем-хашак билан етарли таъминлаш лозим. Молларнинг зотини яхшилаш, унинг маҳсулдорлигини ошириш биринчи навбатдаги вазифалардандир.

Ҳозирги кунда бу муаммоларни асосан бартараф қилиш учун жойларда катта иш олиб борилияпти. Шахсий деҳқончилик билан шуғулланаётганларга ҳам хўжаликлар, ҳам давлат томонидан ем-хашак ажратилмоқда.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу оилаларни сигир билан таъминлаш муаммоси. Эътиборингизга бир таклифни ҳавола этмоқчиман:

Келинглар, шу йилнинг ўзида қишлоқда яшовчи барча оилаларни сигир билан таъминлайлик.

Бунга қандай эришиш мумкин? Бунинг бир неча йўллари бор. Мол сотиб олиш учун махсус кредит бериш мумкин. Ёки жамоа подаларидан ҳар бир оилага бузоқ топшириш шарти билан, имкони бўлса, ҳатто шу шартсиз ҳам текинга сигир бериш мумкин.

Менимча, ҳар бир хўжаликнинг шароитини ҳисобга олган ҳолда бу масаланинг ҳар хил ечимлари топилиши мумкин. Агар бу ишга астойдил киришсак, имоним комилки, натижа албатта самарали бўлади. Ўшанда болаларимизни сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш анча йўлга қўйилган бўлар эди.

Ўртоқлар! Бу ерга йиғилган аксарият кишиларни бошини қотираётган масалалардан бири — қишлоқда яшайдиган одамларни иш билан таъминлашдир, десам янглишмаган бўламан.

Саноат ишлаб чиқаришининг имкониятлари ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ҳисоблайман. Ҳар бир хўжаликда бу муҳим ишга жон куйдирадиган одамлар бўлиши керак. Бу ўринда кадрлар ҳамма ишни ҳал қилади, деган эски иборани эслатиб ўтиш жоиздир. Фақат бор куч-қувватни, ақл-идрокни, ишбилармонликни тўлиқ ишга солган мутахассислар колхоз ва совхозларда кичик корхоналарни қуриш масаласини жойидан силжитиши мумкин.

Агар мазкур хўжаликларни бошқараётганлар халқ билан бирга бўлса, у билан ҳамжиҳатликда ишласа, доимо омма билан бирга ишлай олса, унинг ишончини қозонса, ўша жойларда албатта муваффақият бўлади. Ана шундай ташаббускорларни, жамоа, хўжалик, ноҳия ва вилоят раҳбарларини ҳар доим рағбатлантириб, уларнинг белини бақувват қилиб меҳнатига яраша иззат қилишимиз зарур.

Бу масалаларда биз Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан, республика Иқтисод қўмитасидан жиддий ёрдам кутамиз, талаб қиламиз. Улар ёрдамчи соҳаларни ривожлантириш учун тегишли шароитлар яратиб беришлари керак.

Ахир сиз билан биз вилоят ижроия комитетлари, деҳқончилик саноат ташкилотларининг жиддий ёрдамисиз бу муҳим иш ҳали-вери йўлга тушмаслигини қачон фаҳмлаб етамиз. Ёрдамчи хўжаликлар, соҳалар тараққий қилмаса деҳқоннинг аҳволи нима кечади? Далаларда етиштирилган ноз-неъматлар халқ дастурхонига тортилмай қолиб кетаверади-ку. Айни вақтда бу қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқаришига олиб келади.

Яна бир жиддий масала бор, ўртоқлар. Жойлардаги маҳсулот тайёрлаш идоралари кўнгилдагидек ишламаяпти. Аслида улар деҳқон етиштирган маҳсулотни иложи борича чиқитсиз қабул қилиб олиши лозим, токи деҳқон бундан наф кўрсин. Маҳсулот тайёрлаш идораларида эса чайқовчилар кўпайиб кетган. Улар фақат ўз фойдасини ўйлайди, холос.

Бу идораларнинг ишини тубдан қайта кўриб чиқишимиз лозим. Жойларда бу масалаларни ҳал эта оладиган таъминот-сотув кооперативларини тузиш тўғри бўлар. Улар етиштирилган ҳосилни қайта ишлаб, маҳсулот тайёрлаш ва уни сотиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Зарур ҳолларда чет элдаги илғор мамлакатлар билан шартнома тузиб, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишимиз лозим.

Мана бир мисол, ўртоқлар. Франция ва Швециянинг қўшма корхонаси пахтани қайта ишлашнинг янги усулини топибди. У беш босқичдан иборатдир:

1. Чигитдан мой ва кунжара олиш.
2. Толани қайта ишлаб, сифатига қараб ажратиш.
3. Ип ишлаб чиқариш.
4. Тўқимачилик саноати.
5. Тикувчилик саноати.

Хуллас, корхона хом ашёни бир томондан ишлатиб, кийим-кечак учун маҳсулот тайёрлайди.

Ўша чет элларда бу ишларни қилаётган одамлар биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини айтмоқдалар.

Ўртоқлар! Ҳозир қишлоқ жойларда одамларни безовта қилаётган, ҳаммани ташвишга солаётган масала — аҳолини ссуда ва қурилиш материаллари билан таъминлашдир. Бу масалани ҳал қилишимиз керак. Одамлар биз раҳбарлардан мадад кутмоқдалар. Мен буни тўғри тушунаман. Ҳозир мамлакатда моддий-техника таъминоти, тартиб-интизом издан чиққан бир пайтда бу муаммоларни ечиш жуда қийин. Бу — ниҳоятда мураккаб масаладир. Лекин бунда деҳқонларимизнинг нима айби бор? Биз уларга ер бердик, энди қурилиш ишларида ёрдам кўрсатиш бизнинг вазифамиздир.

Яна бир муҳим масала. Қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш чоралари белгиланган республика дастури қандай бажариляпти?

Ўтган 1990 йилда 2 минг 200 километрли сув ва 3 минг километрга яқин газ тармоқлари ишга тушди. Бу эса яна 270 минг аҳоли ичимлик сув билан, 120 минг оила эса газ билан таъминланди деган гап.

Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятлари қишлоқларида газлаштирилган хонадонлар анча кўпайди.

Лекин ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп. 1991 йилда қишлоқларимизда 4 минг километрдан кўпроқ газ тармоқларини қуриш керак. Яна 200 минг хонадон газ билан таъминланади.

5,5 минг километрлик ичимлик сув қувурлари ишга тушди. Хуллас, қишлоқ жойларда мана шу ва шунга ўхшаш объектлар қурилиши учун 1 миллиард сўмдан зиёд капитал маблағ сарфланди.

Бу соҳадаги ишларнинг муҳим ва долзарблиги ҳисобга олиниб, Вазирлар Кабинетида ўртоқ И. Х. Жўрабеков бошчилигида махсус комиссия тузилди.

Қишлоқ аҳолисини газ ва ичимлик сув билан таъминлаш республика дастурини амалга ошириш учун маблағ ва моддий ресурсларни биринчи навбатда сарфлаш ҳақида ҳукумат қарори қабул қилинди.

Энди ҳамма гап мана шу ишларнинг самарали бўлиши учун жон куйдиришимизда қолган.

Қишлоқ қурилиши, аҳолини уй-жой, сув, табиий газ билан таъминлаш масаласи — муҳим ижтимоий масаладир. Уни фақат ҳаммамиз бир бўлиб ҳал қилишимиз мумкин. Қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилашга қаратилган Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари бажарилмаса, халқ назарида ҳамма раҳбарларнинг обрўси тушади, давлат интизоми сусайиб кетади ва раҳбарият халқ ишончини йўқотиб, ёлғончига чиқади.

Энди, ўртоқлар, жамиятимизнинг барча табақаларига, бутун аҳолига тааллуқли бўлган, очиғини айтсам, оғир масалага тўхталмоқчиман. Мен нарх-наво ва бозор муносабатларига ўтишни назарда тутяпман.

Аҳолининг, энг аввало ночорлар, ногиронлар, ўқувчи-студентлар, кўп болали оилалар ва бошқа даромади кам одамларимизни ижтимоий ҳимоялаш учун республикамиз ҳукумати махсус қарор қабул қилди.

Бу қарорда аҳолининг нарх-наво ошиши муносабати билан кўрадиган зарарни қоплаш кўзда тутилган. Бундан ташқари миллий хусусиятларимиз ва минтақамизнинг ўзига хос шарт-шароитлари ҳам ҳисобга олинган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича барча тадбирларни амалга ошириш учун 16 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди.

Ишлаётганларга бир ойда 60 сўмдан, ишсиз нафақа оладиганларга 65 сўмдан пул тўланади. Болали оилалар учун мавжуд нафақалар миқдори салкам икки баравар ошади. Бундан ташқари бола туғилганда бир марта бериладиган нафақа 250 сўмга, ишлаётган оналарга болаларига қараш учун бериладиган нафақа ҳозирги 70 сўмдан 110 сўмгача кўпаяди.

Болаларга мўлжалланган товарларнинг нархи ошиши сабабли балоғатга етмаган болалари бўлган оилаларга ҳам пул ёрдами назарда тутилган.

Олий, ўрта махсус ҳунар-техника ўқув юртлари талабалари учун стипендиялар уларнинг оилавий аҳволи ва дарс ўзлаштиришига қараб 120 сўмдан 210 сўмгача белгиланган.

Шундай қилиб, ўрта ҳисобда уч кишидан иборат оила 250 сўм, олти кишилик оила — 400 сўм, тўққиз кишилик оила эса 600 сўмдан кўпроқ қўшимча маблағ олади.

Ун, нон ва макарон маҳсулотлари нархи республикамизда аввал айтилган бўлса ҳам яна таъкидлаб айтаман, ошмайди.

Яна қуйидагиларни таъкидлаб ўтмоқчиман. Аҳолининг айрим табақалари учун шаҳар транспортидан бепул фойдаланиш тўғрисидаги республикамиз қарорлари ўз кучида қолади.

Ҳукумат томонидан республика миқёсида махсус комиссия тузилди. Қоплама маблағлар ва нафақаларни аҳолининг турли табақалари ўртасида адолатли тақсимлаш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилиб, жойларга юборилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталари, вазирликлар ва бошқа ташкилотларга аҳолига бу маблағларни ўз вақтида кечиктирмай тарқатиш ҳақида кўрсатма берилди.

Жойлардаги давлат банк бўлинмалари зиммасига бу жиддий масалани тўхтовсиз ва узлуксиз ташкил қилиш юкланди.

Ҳурматли ўртоқлар!

Шуни очиқ айтишимиз керакки, кейинги йилларда қайта қуришни, ошкораликни мамлакатимизнинг турли минтақаларида ҳар хил тушундилар. Қайта қуришни — бузиш, ошкораликни эса фақат танқид, бор нарсани фақат рад этишдан нарига ўтмайдиган танқид деб билишди.

Бу ҳол республикамизга ҳам ўз таъсирини кўрсатди, албатта. Ҳаётимиздаги мавжуд қийинчиликларни рўкач қилиб, халқни майдонга бошлаб чиқиб, тўс-тўполонлар кўтариб, миллий низолар келтириб чиқариб, ўзларига сохта обрў топиш ҳаракатида юрган «доҳийлар» ҳам бизда оз эмас.

Узоқни ўйламайдиган бундай калтабин одамлардан халқни асраш керак.

Республикамиз мустақиллик сари одим ташлаган экан, мустақиллик энг аввало халқ бирлиги, ҳамжиҳатлиги эканлигини унутмаслигимиз керак. Республикамизда барча миллат вакиллари билан аҳил-иноқ, дўст-биродар бўлиб, бир-биримизнинг қадриятимизни ҳурмат қилган тарзда яшашимиз — эл-юртимизга тинчлик, осойишталик бахш этади.

Қадимдан ўзининг меҳмондўстлиги, очиқ кўнгиллилиги, меҳр-оқибати билан танилиб келган халқимизнинг маданий-маънавий қадриятларини тиклаш, уларни янада равнақ топтириш — бугунги кундаги энг асосий вазифаларимиздир.

Динга муносабатимизнинг ўзгаргани, Наврўзнинг тиклангани, ўтмишдаги улуғ шоир, олим ва бошқа машҳур аждодларимизнинг мероси халқ мулкига айланаётгани, одамлар чўчимасдан ўз эътиқодига биноан турли маърака ва маросимларни бемалол ўтказаётгани ва шу сингарилар ҳақида кўп гапириш мумкин.

Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг ўз тарихига, маданиятига, қадриятларига ишончини тиклаш, ҳурматини ошириш учун қилиняпти.

Лекин биз «халқ», «халқимиз» деб оғиз тўлдириб гапирганимизда, ҳар қандай халқнинг алоҳида-алоҳида одамлардан, оилалардан иборат эканлигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Ҳар бир алоҳида одамга ҳурматсизлик, уни менсимаслик, унга адолатсизлик қилиш ўша одам мансуб бўлган халққа етказиладиган катта зарар деб биламан.

Ғурури бор одамнинг қадди рост, боши баланд бўлади.

Олдимизда турган улкан, жуда оғир вазифаларни бажариш, муаммоларни ечиш, катта синовлардан ўтиш — буларнинг ҳаммаси халқимизнинг руҳини, миллий ғурурини тиклаш билан боғлиқдир.

Ўртоқлар, адолатни, ҳақиқатни тиклаш ҳақида гапириш осон. Лекин буларни амалга ошириш ҳам қийин, ҳам жуда мураккабдир. Буни ҳаммангиз ўз тажрибаларингизда кўргансиз, албатта.

Кейинги вақтда бу борада анча ишлар қилинди. Турли йилларда ноҳақ жабр кўрган, қамалган одамларни оқлаш мақсадида 30—50-йилларда ўринсиз айбланган кўплаб одамларнинг ишлари қайта кўриб чиқилди. Сталин қатағонига учраган кишилар оқланаяпти. Уларнинг сони ҳозирги кунгача 3 минг 500 кишига етди.

«Пахта иши» деб ном олган қисматимизга келсак, оқланганлар сони ҳозир 2 минг кишига етди. Бунга чуқурроқ назар ташланса, ана шу рақамлар замирида қанчадан-қанча шикастланган қисматлар, қанчадан-қанча азоб чеккан тақдирлар бор. Ноҳақлик, адолатсизлик жабрдийдаларини ҳаммамиз бир тасаввур қилиб кўрайлик. Буни шунинг учун яна айтяпманки, энди ҳеч қачон бундай ноҳақликлар, адолатсизликлар такрорланмасин, бунинг учун эса ҳаммамиз курашишимиз керак.

Ўзбекистон мустақиллик йўлига ўтар экан, аввaламбор мана шундай масалаларни ечишда ўзини кўрсатиши керак. Четдан келиб халқимиз тақдирини ҳеч ким ҳал қилмасин. Ўзимизнинг Олий Кенгашимиз бор, ўзимизнинг Олий судимиз бор.

Сизга маълумки, Президент фармойишлари билан унча оғир бўлмаган жиноятлар бўйича махсус комиссия тузилган эди. Наврўз арафасида бу комиссия кўриб чиққан ишлар бўйича 1000 киши авф этилди.

Бундай хайрли, халқимиз руҳини кўтарадиган ишларни давом эттирамиз, албатта. Бундай савоб ишларни республикамиз раҳбарлари учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Маълумки, Ўзбекистон — кўп болали оилалар юрти. Шуни эътиборга олиб, аёлларимизнинг меҳнатини, авлодларимиз тарбиясидаги аҳамиятини ҳеч унутмаслигимиз керак.

Агар қарз тўғрисида гап кетса, аввaламбор ҳаммамизнинг аёлларимиз, оналаримиз, опаларимиз, сингилларимиз олдида бўлган қарзимиз тўғрисида сўзлашимиз лозим. Лекин минг афсуслар бўлсинки, биз бу масалага етарли эътибор бермаётирмиз. Қишлоқ жойлардан тортиб то шаҳарларгача уйларида ўтирган аёлларни иш билан таъминлаш, меҳнат дафтарчалари очиш, нафақа белгилаш, ёрдам бериш, керакли имтиёзлар ва шарт-шароитлар яратиш зарур.

Хотин-қизларни оғир меҳнатдан ҳоли қилиш, уларга қисқартирилган иш куни белгилаш, кундалик турмуш учун бекаму-кўст маданий-маиший шароитлар яратиб беришимиз зарур. Бу борадаги камчиликларга тезроқ барҳам беришимиз лозим.

Бу масала ҳаммамизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши керак. Худди шу мақсадда яқинда хотин-қизлар ва оила масалалари билан шуғулланадиган республика қўмитаси ташкил қилинди. Бу ташкилотдан умидимиз катта. Лекин шуни ҳам айтиб қўяйки, бу қўмитага республикамиздаги ҳамма ташкилотлар, хуллас, ҳаммамиз ёрдам беришимиз керак.

Ҳурматли қурултой қатнашчилари!

Диққатингизни яна бир марта инсон омилига қаратмоқчиман. Нимаики иш қилаётган бўлсак, инсон турмушини яхшилаш учун қиляпти. Одамларимизнинг қорни тўқ, усти бут, кайфияти яхши бўлса, улар бошларини баланд тутадилар, қаддиларини ростлаб юрадилар. Катта-кичик барча раҳбарлар биринчи галда мана шу ҳақда бош қотиришлари керак.

Республикамизда камбағал, нафақа олувчи ва кўп болали оилаларнинг оғирини енгил қилиш учун талайгина ишлар амалга оширилияпти.

Андижон вилоятида 8 минг камбағал оила турли корхоналарга бириктиб қўйилган. Бу корхоналар доим уларнинг ҳолидан хабар олиб, ёрдам бериб туради. Наманган вилоятида эса бева-бечораларга ёрдам бериш фонди 600 минг сўмни ташкил қилади. Бундан ташқари ҳар бир районнинг ҳам ўз фонди бор. Жиззах вилоятининг Зомин районида худди шу мақсадда 50 минг сўм атрофида махсус жамғарма вужудга келтирилган.

Ўртоқлар, биз мана шундай янги инсоний ташаббусларни, интилишларни қўллаб-қувватлаймиз, биз бу хайрли ишларни кенг ёйишимиз керак.

Умуман олганда, қайта қуриш жараёнига чуқурроқ назар ташласак, унинг негизи инсоннинг турмуш даражасини яхшилашга, халқ фаровонлигини оширишга йўналтирилганлигини кўрамиз. Ана шу олий мақсадни рўёбга чиқариш учун тер тўкиб ишласак арзийди.

Инсон — бизнинг энг катта бойлигимиздир. Деҳқон Ер юзидаги барча ноз-неъматларни яратувчидир, табиатга ва заминга гўзаллик бағишловчидир.

Зар қадрини заргар биладидеганларидек, ер қадрини деҳқондан сўранг. Республикамизда қадим замонларда ҳам деҳқончилик маданияти ғоят юксак даражада бўлган. Ернинг тилини биладиган, бир назар ташлаганда унинг ҳолатини айтиб берадиган миришкор деҳқонларимиз бугунги кунда ҳам юзлаб, минглаб топилади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мен бугун ана шундай деҳқонларимиздан катта бир гуруҳини, ҳалол меҳнатлари учун берилган республикамизнинг юксак мукофотлари билан чин кўнгилдан табриклайман, уларга сиҳат-саломатлик тилайман.

Азиз деҳқонлар! Шундай қилиб дилимдаги ҳамма гапларимни сиз, азиз дўст-биродарларга айтдим. Сўзимнинг охирида яна бир мулоҳазани сизларга айтмоқчиман. У ҳам бўлса, дўст-биродар бўлган одамлардан жудо бўлиб қолмасликдир. Эл назаридан, инсонлар назаридан қолмасликдир.

Кимки ҳаётда қандай чўққига чиқмасин, қайси вазифани эгалламасин, менимча, энг катта шараф ва энг катта ютуқ шу билан ўлчанмайди. Энг улкан ютуқ шуки, бир пайтлар келиб киши ҳамма вазифаларидан озод бўлганида, кексайиб қолганида, сен билан учрашган, сен билан юзма-юз кўришган кишилар сендан юз ўгириб кетмасин, балки сенга қўл узатиб, ҳол-аҳвол сўрасин. Мана шу боисдан халққа, эл-юртга ҳар қанча хизмат қилсанг арзийди.

Азиз дўстлар! Сизларнинг чеҳрангизга қараб, мана шу катта минбардан туриб миннатдорчилик билдиришим, раҳмат айтишим керак. Сизларнинг олийжанoблигингиз, чин инсон бўлганлигингиз, баракали меҳнатингиз, сабрбардошингиз учун, сизларнинг Ўзбекистон раҳбариятига, шахсан менга билдирган ишончингиз учун ташаккур айтаман.

Улуғ айём — Наврўз байрамига етиб келганимиз, табиат уйғонаётган ажойиб кунларга соғ-саломат, тинч-хотиржамлик билан етишганимиз учун шукроналар билдираман.

Ҳаммамиз аҳил, бир жон — бир тан бўлайлик! Ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, бир-биримизга меҳр-мурувват ва меҳр-оқибат орамиздан сира кўтарилмасин.

Сизларни ишонтириб айтаманки, улуғ ўзбек халқининг қаддини албатта ростлаб оламиз, руҳини кўтарамиз, ғурурини тиклаб, олдимизга қўйилган мақсадга эришамиз, албатта. Ана шу эзгу мақсад йўлида ақл-идрокимизни, бутун куч-қувватимизни аямайлик.

Ҳар доим бирга бўлайлик, азиз дўстлар!

---

# АМАЛИЙ ИШЛАР ДАВРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Съезд делегатлари Ўзбекистон касаба уюшмалари янги қонунларни, айниқса меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига ғоят дахлдор бўлган қонунларни ишлаб чиқишда жумҳурият қонун чиқарувчи идоралари билан фаолроқ ҳамкорлик қилиш лозимлиги тўғрисида якдил фикр билдирдилар. Бозор шароитида меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатини берадиган қонунлар қабул қилиш ҳозирги кунда биринчи навбатдаги вазифа бўлиб турибди ва касаба уюшмалари бу соҳада ҳам ўз қатъий сўзларини айтишлари керак.

Бозорга ўтиш даврида меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, даромадларни индекслаш, нарх-навони назорат қилишнинг пухта системасини жорий этиш, меҳнат товар деб ҳисобланадиган ишчи кучи бозорини яратиш ва меҳнат учун, айниқса ноқулай ва зарарли шароитда юқори иш ҳақи белгилаш муаммолари батафсил муҳокама қилинди.

Съездда меҳнатни, айниқса иш шароити оғир ва зарарли корхоналардаги меҳнатни муҳофаза этиш муаммолари кўтарилди. Цехда, корхонада шундай экология шароити яратилиши кераклиги таъкидландики, ишчи одам кимнингдир бепарволиги туфайли ўз саломатлигини йўқотмасин. Ҳар бир ишчи яхши даволаниб, дам олиши мумкин бўладиган шифохоналар, дам олиш уйлари, санаторийлар тармоғини кенгайтириш керак.

Съезд делегатлари Ўзбекистон касаба уюшмалари уставини, яқин вақт ва истиқболга мўлжалланган амалий ҳаракатлар дастурини қабул қилдилар, тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқладилар.

Ўзбекистон ССР Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидовнинг нутқи бозорга ўтиш даври муаммоларига бағишланди.

Съездда СССР касаба уюшмалари умумий конфедерациясининг котиби С. И. Крамаренко нутқ сўзлади.

Съезд ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

---

# ЎЗБЕКБИРЛАШУВ КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

26 март куни Тошкентда Ўзбекбирлашув кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда матлубот кооперацияси бошланғич, район ва вилоят ташкилотларининг, жумҳурият вазирликлари ва идораларининг вакиллари қатнашдилар. Ўзбекистон матлубот кооперацияси системасида ўтган йилги иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режалари қандай бажарилганлиги натижалари ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Бозор иқтисодиёти шароитида савдо, ишлаб чиқариш, маҳсулот тайёрлаш ва бошқа тармоқлар ишини тубдан яхшилаш вазифалари белгилаб олинди. Йиғилишда Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Ў. Қ. Исмоилов нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. Абдувосиқов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

*Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони*

# КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРДАН СОЛИҚ УНДИРИШНИНГ ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Чакана нархлар ислоҳ қилиниши муносабати билан «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида» 1990 йил 14 июндаги СССР Қонунининг 4- ва 21-моддаларини, СССР Олий Кенгашининг 1990 йил 14 июнда қабул қилган мазкур Қонунни кучга киритиш тартиби тўғрисидаги қарорининг 7-бандини, «СССР фуқароларидан, хорижий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиғи олиш тўғрисида»ги 1990 йил 23 апрелда қабул қилинган СССР Қонунининг 4, 8, 14, 17 ва 20-моддаларини, СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва оиласи кичик фуқароларидан олинадиган солиқни босқичма-босқич бекор қилиш тўғрисида» 1990 йил 23 апрелда қабул қилинган СССР қонунининг 1- ва 2-моддаларини СССР Олий Кенгаши мазкур қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритгунга қадар чиқариб ташлаб, **қарор қиламан:**

1. Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг солиқ солинадиган фойдасидан олинадиган солиқнинг энг кўп миқдори 45 фоиздан 35 фоизгача камайтирилсин ва солиқ миқдорининг 17 фоизи Иттифоқ бюджетига ҳамда 18 фоизи республика бюджетлари ва маҳаллий бюджетларга ўтказилсин, СССРнинг амалдаги қонунларига мувофиқ фойдадан олинадиган солиқ тўла маҳаллий бюджетга тушадиган ҳоллар бундан мустаснодир.

2. Корхоналар асосий фаолиятида банд бўлган ходимларнинг 1991 йилда солиқ солинадиган фойдани аниқлаш чоғида маҳсулот (иш, хизмат) таннархига киритиладиган ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори даражаси 480 сўмгача кўпайтирилсин.

3. Жамоа хўжаликлари, шу жумладан балиқ овлаш жамоа хўжаликлари жамоа аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш фондига солиқни ҳисоблаб чиқиш чоғида ушбу фонднинг солиқ солинмайдиган ҳажми хўжаликда ишлаётган ҳар бир колхозчи ҳисобига ойига 160 сўмдан келиб чиқиб ҳисоблансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ишчиларнинг, хизматчиларнинг ҳамда фуқароларга солиқ солишда уларга тенглаштирилган кишиларнинг асосий иш жойидан оладиган ойига 160 сўмгача миқдордаги иш ҳақидан даромад солиғи ундирилмайди.

5. Ишчилар, хизматчилар ва солиқ солишда уларга тенглаштириладиган фуқароларнинг иш ҳақидан олинадиган даромад солиғи миқдорининг қуйидаги жадвали белгилаб қўйилсин:

| Ойлик даромад миқдори | солиқ миқдори |
|---|---|
| 161 сўмдан 1000 сўмгача | 160 сўмдан ортиғидан 13 фоиз |
| 1001 сўмдан 1500 сўмгача | 109 сўм 20 тийинга қўшимча 1000 сўмдан ортиғининг 30 фоизи |
| 1501 сўмдан 2000 сўмгача | 259 сўм 20 тийинга қўшимча 1500 сўмдан ортиғининг 35 фоизи |
| 2001 сўмдан 2500 сўмгача | 434 сўм 20 тийинга қўшимча 2000 сўмдан ортиғининг 40 фоизи |
| 2501 сўмдан 3000 сўмгача | 634 сўмга қўшимча 2500 сўмдан ортиғининг 45 фоизи |
| 3001 сўм ва ундан ортиғидан | 859 сўм 20 тийин ва унга қўшимча 3000 сўмдан ортиғининг 50 фоизи |

6. Фуқаролар бир марталик ишларни бажаришдан оладиган даромадлардан, пудрат шартномалари ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бошқа шартномалар (муаллифлик учун тўланадиган пул миқдоридан ташқари) асосида бажарган ишлар учун бошқа тўловлардан даромад солиғи қуйидаги миқдорда олинади:

| Ойлик даромад миқдори | солиқ ҳажми |
|---|---|
| 5 сўмдан 10 сўмгача | даромад миқдорининг 2 фоизи |
| 11 сўмдан 30 сўмгача | 0 сўм 20 тийин ва унга қўшимча 10 сўмдан ортиғининг 4 фоизи |
| 31 сўмдан 50 сўмгача | 1 сўм 00 тийин ва унга қўшимча 30 сўмдан ортиғининг 5 фоизи |
| 51 сўмдан 100 сўмгача | 2 сўм 00 тийин ва унга қўшимча 50 сўмдан ортиғининг 8 фоизи |
| 101 сўмдан 500 сўмгача | 6 сўм 00 тийин ва унга қўшимча 100 сўмдан ортиғининг 12,5 фоизи |
| 501 сўмдан 1000 сўмгача | 26 сўм 00 тийин ва унга қўшимча 500 сўмдан ортиғининг 13 фоизи |
| 1001 сўм ва ундан кўп | ушбу фармоннинг 5-моддасида кўрсатилган миқдорда |

7. Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик, нашр этганлик, ижро қилганлик ва улардан ўзгача фойдаланганлик учун муаллифлик пулидан, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларига шу ишлар учун бериладиган пулдан (муаллифларнинг ворисларидан ташқари) қуйидаги миқдорда даромад солиғи олинади:

| йиллик даромад миқдори | солиқ ҳажми |
|---|---|
| 120 сўмгача | даромад ҳажмининг 2 фоизи |
| 121 сўмдан 360 сўмгача | 2 сўм 40 тийин ва унга қўшимча 120 сўмдан ортиғининг 4 фоизи |
| 361 сўмдан 600 сўмгача | 12 сўм 00 тийин ва унга қўшимча 360 сўмдан ортиғининг 5 фоизи |
| 601 сўмдан 1200 сўмгача | 24 сўм 00 тийин ва унга қўшимча 600 сўмдан ортиғининг 8 фоизи |
| 1201 сўмдан 4320 сўмгача | 72 сўм 00 тийин ва унга қўшимча 1200 сўмдан ортиғининг 12,5 фоизи |
| 4321 сўмдан 12000 сўмгача | 312 сўм 00 тийин ва унга қўшимча 4320 сўмдан ортиғининг 13 фоизи |
| 12001 сўмдан 18000 сўмгача | 1310 сўм 40 тийин ва унга қўшимча 12000 сўмдан ортиғининг 30 фоизи |
| 18001 сўмдан 24000 сўмгача | 3110 сўм 40 тийин ва унга қўшимча 18000 сўмдан ортиғининг 35 фоизи |
| 24001 сўмдан 30000 сўмгача | 5210 сўм ва унга қўшимча 24000 сўмдан ортиғининг 40 фоизи |
| 30001 сўмдан 36000 сўмгача | 7610 сўм 40 тийин ва унга қўшимча 30000 сўмдан ортиғининг 45 фоизи |
| 36001 сўм ва ундан кўп | 10310 сўм 40 тийин ва унга қўшимча 36000 сўмдан ортиғининг 50 фоизи |

8. Фуқароларнинг якка тартибдаги меҳнат фаолияти даромадларидан ва ушбу Фармоннинг 5-7-моддаларида санаб ўтилганидан бошқа даромадларидан даромад солиғи қуйидаги миқдорда олинади:

| йиллик даромад миқдори | солиқ ҳажми |
|---|---|
| 4320 сўмгача | ишчилар ва хизматчилар асосий иш жойи бўлмаган тақдирда ушбу фармоннинг 5-моддасида кўзда тутилган ставкалар бўйича ёки, агар асосий иш жойи бўлса ушбу фармоннинг 6-моддасида кўзда тутилган ставкалар бўйича ойнинг тегишли кунида тўлайдиган солиқ ҳажмига тенг ҳажмда |
| 4321 сўмдан 12000 сўмгача | 312 сўм 00 тийин ва унга қўшимча 4320 сўмдан ортиғининг 13 фоизи |
| 12001 сўмдан 18000 сўмгача | 1310 сўм 40 тийин ва унга қўшимча 12000 сўмдан ортиғининг 30 фоизи |
| 18001 сўмдан 24000 сўмгача | 3110 сўм 40 тийин ва унга қўшимча 18000 сўмдан ортиғининг 35 фоизи |
| 24001 сўмдан 30000 сўмгача | 5210 сўм 40 тийин ва унга қўшимча 24000 сўмдан ортиғининг 40 фоизи |
| 30001 сўмдан 36000 сўмгача | 7610 сўм 40 тийин ва унга қўшимча 30000 сўмдан ортиғининг 45 фоизи |
| 36001 сўм ва ундан кўп | 10310 сўм 40 тийин ва унга қўшимча 36000 сўмдан ортиғининг 50 фоизи |

9. «СССР фуқароларидан, хорижий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги СССР қонуни 3-моддаси 1-бандидаги «.т» кичик бандида кўзда тутилган солиқ солинмайдиган моддий ёрдам миқдори йилига 1000 сўмгача оширилсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ишчилар, хизматчилар ҳамда солиқ солишда уларга тенглаштирилган фуқароларнинг ойига 160 сўмга қадар миқдордаги иш ҳақидан СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва оиласи кичик фуқароларидан олинадиган солиқ ундирилмайди, ойига 160 сўмдан ортадиган иш ҳақидан қуйидаги ҳажмда солиқ солинади:

| Йиллик даромад миқдори | солиқ ҳажми |
|---|---|
| 161 сўмдан 200 сўмгача | 160 сўмдан ортиғининг 5 фоизи |
| 201 сўм ва ундан кўп | 2 сўм ва унга қўшимча 200 сўмдан ортиғининг 6 фоизи |

11. Ушбу Фармон қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олиниб, 1991 йил 1 апрелдан кучга киритилади:

а) корхоналар. бирлашмалар ва ташкилотлар фойдасидан олинадиган солиқ қисми — йилнинг иккинчи чорагида олинган фойдадан бошлаб;

б) колхоз аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан олинадиган солиқ қисми — йилнинг иккинчи чораги учун ҳисоб-китоб қилишдан бошлаб;

в) фуқаролардан олинадиган даромад солиғи ҳамда СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва оиласи кичик фуқароларидан олинадиган солиқ қисми:

меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган иш ҳақи ҳамда бошқа пул ва натура ҳолидаги ва бошқа тўловлар — 1991 йил 1 апрелидан амалга оширилган иш учун тўловлардан бошлаб:

фуқароларнинг бошқа даромадларидан — 1991 йилда олинган даромадлардан бошлаб.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1991 йил 22 март.

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Кеча XXI-чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг бешинчи сессияси бўлиб ўтди.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши мандат комиссиясининг тақдимномасини кўриб чиқиб 1991 йил 10 февралда сайланган депутатлар А. С. Маҳмудова (8-Ушинский сайлов мавзеси, Олмалиқ шаҳри), В. П. Савельев (29-Индустрия сайлов мавзеси, Бекобод шаҳри), К. Х. Юсупов (36-Коммунистик сайлов мавзеси, Бекобод шаҳри), Р. О. Ёқубов (136-Қарши сайлов мавзеси, Коммунистик райони), Т. Т. Турсунов (189-Ғафур Ғулом сайлов мавзеси, Тошкент райони)ларнинг ваколатлари ҳақиқий деб тан олинди.

Сессия Л. П. Терновихни вилоят ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, Т. А. Ботиров, А. А. Валиев, В. А. Лозицкийларни вилоят ижроия қўмитаси раисининг ўринбосарлари қилиб тасдиқлади.

Вилоят Советининг раиси С. М. Мамарасулов Ўзбекистон ССР Президентининг «Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши ва вилоятда якка тартибдаги уй-жой қурилишининг аҳволи ҳақида маъруза қилди.

Бу масалани муҳокама қилишда халқ депутатлари Бўка район Кенгашининг раиси К. Д. Элчибоев, Коммунистик районидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги раиси, 132-Свердлов сайлов мавзесидан депутат, А. Г. Машахапов, «Ташоблгаз» вилоят бошқармаси бошлиғи Б. С. Раҳимов, 21-Комсомол сайлов мавзесидан, депутат (Ангрен шаҳри), Г. Н. Зобнина, Ўзбекистон Компартияси Бўстонлиқ район қўмитасининг иккинчи котиби, 92-Хўжакент сайлов мавзесидан депутат, Қ. Т. Каримбердиев, Бўка районидаги тузатиш-ишлаб чиқариш корхонасининг инженер-технологи, 104-марказий сайлов мавзесидан депутат П. А. Абдуллазизов, халқ депутатлари Орджоникидзе район Кенгаши ижроия қўмитасининг раиси, 148-Чинобод сайлов мавзесидан депутат Х. Нурматов, республика «Узагроводоканал» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси, 118-Назарбек сайлов мавзесидан депутат Н. Заҳриддиновлар қатнашдилар.

Депутатлар вилоят ижроия қўмитасининг раиси С. Д. Сайдалиевнинг «Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1990 йил 29 октябрдаги қарорини амалга ошириш юзасидан ҳаракат режаси ва бозор муносабатларига ўтилиши туфайли вилоят халқ хўжалигини барқарорлаштириш бўйича тадбирлар тўғрисида»ги маърузасини тингладилар.

Вилоят молия бошқармасининг бошлиғи А. А. Раҳимбоев «Вилоятнинг 1991 йилги маҳаллий бюджети ва 1989 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисида» маъруза қилди.

Бу масалалар юзасидан мулокараларда халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгашининг раиси С. Юсупалиев, халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари, 52-Ленин сайлов мавзесидан депутат А. И. Бугаев, Бўка районидаги Ҳамза номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадасининг ижарачи бригадири, 105-Ҳамза сайлов мавзесидан депутат Ш. Валижонов, халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Кенгаши ижроия қўмитасининг раиси, 4-Коммунистик сайлов мавзесидан депутат Т. Т. Толипов, «Огонёк» совхоз-заводининг директори, 115-Тошовул сайлов мавзесидан депутат З. Н. Рахматуллаев, халқ депутатлари Коммунистик район Кенгаши ижроия комитети молия бўлимининг мудири, 135-Янгибозор сайлов мавзесидан депутат А. Деҳқонбоев, СССР Давлат банки Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий режа ва бюджет-молия комиссияси раиси, 45-уйсозлик сайлов мавзесидан депутат З. Қ. Собировлар қатнашдилар.

Депутатлар Тошкент вилоят ижроия қўмитасининг Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1990 йил 29 октябрдаги қарорини амалга ошириш бўйича ҳаракат режаси ва бозор муносабатларига ўтилиши туфайли вилоят халқ хўжалигини барқарорлаштириш бўйича тадбирларни халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссияларининг мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда маъқулладилар.

Сессия халқ депутатлари вилоят кенгаши ижроия қўмитаси томонидан тақдим этилган вилоятнинг 1991 йилги маҳаллий бюджетини ва 1989 йилги маҳаллий бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

Сессия халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссиялари фаолиятини фаоллаштириш мақсадларида ва шу йилнинг 10-февралида бўлиб ўтган оралиқ сайловларини ҳисобга олиб, вилоят Кенгаши раёсатининг доимий комиссиялар таркибини қисман ўзгартириш тўғрисидаги таклифига рози бўлди.

Депутатлар шунингдек, «Тошкент вилоятида ер участкалари бериш тўғрисида корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг илтимосномаларини кўриб чиқиш ва ҳал этишдаги мувақкат тартибга қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «вилоят кенгаши депутатлари Е. Г. Болшаков, Н. М. Мадаминов, М. Т. Тилламуродоваларнинг ваколатларини муддатдан илгари соқит қилиш тўғрисида»ги масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Шу билан йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг бешинчи сессияси ўз ишини якунлади.

### ВИЛОЯТ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ УРИНБОСАРИ — ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, ГАЗЛАШТИРИШ ВА КОММУНАЛ ХУЖАЛИГИ КОМПЛЕКСИ РАҲБАРИ

**Тернових** Леонид Павлович — 1942 йилда туғилган, рус, 1971 йилдан КПСС аъзоси, маълумоти олий, инженер-гидротехник.

Меҳнат фаолиятини 1959 йилда токарликдан бошлаган, 1966 йилдан 1976 йилгача «ЧарвакГЭСстрой» бошқармасининг устаси, участка бошлиғи, бош мухандис ўринбосари. 1976 йилдан 1979 йилгача «Узбекгидроэнергострой» тресты бош мухандиси ўринбосари. 1979 йилда янги Ангрен ГРЭСи қурилиш бошқармаси бошлиғи, 1979 йилдан 1984 йилгача вилоят партия қўмитаси қурилиш бўлими мудирининг ўринбосари, 1984 йилдан 1989 йилгача шу бўлимнинг мудири. 1989 йилнинг февралида Тошкент вилоят ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари қилиб сайланган.

### ВИЛОЯТ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ УРИНБОСАРИ — ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ БУЮМЛАРИ, САВДО, ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ВА ШИРКАТЛАР КОМПЛЕКСИ РАҲБАРИ

**Ботиров** Турмаҳамат Анорович — 1942 йилда туғилган, ўзбек, 1965 йилдан КПСС аъзоси, маълумоти олий, техник-технолог.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Олмалиқ мебель фабрикасида уста бўлиб ишлашдан бошлаган, шу корхонада цех бошлиғи, техника назорати бўлими бошлиғи бўлиб меҳнат қилган. 1967 йилдан 1976 йилгача партия ва совет ишида ишлаган, Олмалиқ шаҳар партия қўмитасининг инструктори, Олмалиқ шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ишлар бошқармасининг катта референти. 1976 йилдан 1978 йилгача Тошкентдаги махсус мебель заводи директори, 1978 йилдан 1991 йилгача Ўзбекистон республика касаба уюшмалари Кенгаши уй-жой-маиший бўлими мудири, Оҳангарон районидаги Эйвалек махсус темир-бетон комбинати директорининг ўринбосари, кейинчалик директор бўлиб ишлаган. Ўзбекистон ССР халқ депутати қилиб сайланган.

### ВИЛОЯТ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ УРИНБОСАРИ — ВИЛОЯТ ПЛАН КОМИССИЯСИ РАИСИ — РЕСУРСЛАР, МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ ВА АҲДНОМАЛАР БЎЙИЧА УМУМИҚТИСОДИЙ КОМПЛЕКС РАҲБАРИ

**Валиев** Акмал Абдувалиевич — 1931 йилда туғилган, ўзбек, 1955 йилдан КПСС аъзоси, маълумоти олий, иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини 1950 йилда СССР қишлоқ хўжалик банки пункти инспекторлигидан бошлаган. 1955 йилдан 1956 йилгача Давлат банки Ховос бўлинмасининг кредит инспектори, 1956 йилдан 1958 йилгача Ўзбекистон ССР Молия вазирлигининг ревизори, иқтисодчиси. 1958 йилдан 1963 йилгача Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг иқтисодчиси, бош мутахассиси. 1963 йилдан 1967 йилгача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Партия-давлат назорати қўмитасининг режа-молия органлари бўйича бўлим инспектори, Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг бўлим мудири, 1967 йилдан 1968 йилгача Ўзбекистон ССР Давлат нарх қўмитаси раисининг ўринбосари, 1968 йилдан 1980 йилгача Тошкент вилоят ижроия қўмитаси вилоят режа комиссиясининг раиси. 1980 йилдан 1991 йилгача Ўзбекистон ССР Давлат режа қўмитасининг молия, таннарх ва фойда бўлими бошлиғи.

### ВИЛОЯТ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — МАШИНАСОЗЛИК, ЁҚИЛҒИ САНОАТИ, ЭНЕРГЕТИКА, КИМЁ ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ҲАМДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР, АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ КОМПЛЕКСИ РАҲБАРИ

**Лозицкий** Валерий Александрович — 1943 йилда туғилган, рус, 1968 йилдан КПСС аъзоси, маълумоти олий, мухандис-механик.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда «Чирчиксельмаш» заводи слесарлигидан бошлади. 1966 йилдан Чирчиқдаги 13-шаҳар ҳунар-техника билим юртининг ишлаб чиқариш таълими устаси бўлиб, сўнгра комсомол ва партия ишларида ишлаган. 1966 йилдан 1979 йилгача Чирчиқ шаҳар комсомол қўмитаси ташкилий бўлими мудири, иккинчи. биринчи котиби, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент вилоят қўмитасининг иккинчи котиби, 1979 йилдан 1984 йилгача Тошкент вилоят Оржоникидзе район партия қўмитасининг котиби, иккинчи котиби, 1984 йилдан 1989 йилгача Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби, 1989 йилдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ташкилий-партиявий ва ҳуқуқ ишлари бўлимининг масъул ташкилотчиси эди.

# Наврўз

## ТИЛЛАРИ ВА ДИЛЛАРИ — МУШТАРАК

МАЪЛУМКИ, Тошкентдаги Сиёсатшунослик ва бошқарув олийгоҳи (собиқ Олий партия мактаби)да Ўрта Осиё жумҳуриятлари ҳамда Қозоғистондан келган кишилар таълим олишади. Куни кеча улар ҳузурида жумҳуриятимизнинг таниқли ёзувчи ва санъаткорлари меҳмон бўлишди. Бу байналмилал жамоада Наврўз байрами жуда кўтаринки руҳда нишонланди.

Байрам тантанасини олийгоҳ ректори М. Искандаров очар экан, тингловчилар, ўқитувчилар ва меҳмонларни Наврўз билан қутлади, уларга ўзининг энг эзгу ниятларини изҳор қилди. Ўзбекистон ССР халқ шоири Абдулла Орипов ва шоир Жуманиёз Жабборов тўпланганларни халқимизнинг энг севимли шодиёнаси билан табриклаб, ёш йигит-қизларнинг келгуси ўқишлари ва ишларида муваффақиятлар тиладилар, янги шеърларидан ўқиб бердилар. Шунингдек олийгоҳ тингловчиси Аҳмад Болибеков ҳам йиғилиш қатнашчилари эътиборига Наврўзга бағишланган шеърини ҳавола этди. Сўнгра тўпланганлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ортиқ Отажонов бошчилигидаги санъаткорларнинг маҳоратидан баҳраманд бўлдилар.

Наврўз шодиёнасида қардош халқларнинг вакиллари ўзларининг миллий таомлари, санъатлари ва либосларини намойиш қилишди. Бу борада қизиқарли танлов ҳам ўтказилди. Тингловчилар ижросидаги ўзбекча мусиқа оҳанглари қозоқча, қирғизча, туркманча ва тожикча куй-қўшиқлар, лапар ҳамда айтишувларга уланиб кетди. Ёшлар ўзларининг бобокалонлари — қадимги туркий халқлар баҳор, бахт ва меҳнат байрамини дўстона ҳамкорликда нишонлашгани, эзгу қувончларини биргаликда баҳам кўришганини намойиш этдилар.

**Р. ҚУДРАТОВ.**

# ПАРКЕНТДА ДУВ-ДУВ ГАП...

Яқинда Паркентда дув-дув гап тарқалди. Эмишки, район ижроия қўмитасининг махсус фармойиши билан улоқ ҳамда от пойгаси ўтказиларммиш. Буни эшитган одамлар эрта тонгданоқ «Ленинобод» совхозининг «Гирвонгарон» дала массиви томон оқиб кела бошладилар. Чиндан ҳам аҳоли орасида спортнинг бу қадимий турига қизиқиш жуда катта эди. Бироқ, анчадан бери мусобақалар «норасмий» ҳаракатда эди. «Наврўзи олам» муносабати билан маҳаллий ҳокимият бу нарсага «давлат мақоми» берди.

Катта сайхонликда район матлубот жамияти, умумий овқатланиш корхонаси ходимлари савдо-сотиқ ишларини қизғин йўлга қўйиб юборганлар. Бир томонда карнай-сурнай овози янграйди. Ҳамманинг кайфияти аъло даражада. Райондаги 13 та шўро хўжалигидан келган моҳир чавандозлар ўзаро беллашувни бошлаб юборишди.

Аввалига от пойгаси ташкил этилди. Унда Энгельс номли шўро хўжалиги вакиллари биринчи ўринни қўлга киритдилар. Шахсий мусобақада «Коммунизм»лик чавандоз Усмон Соҳибов ғолиб келиб, 100 сўм пул мукофоти олишга муяссар бўлди. Шундан сўнг орзиқиб кутилган улоқ ўйинлари бошланди. Район комсомол қўмитаси, матлубот жамияти, «Чотқол», «Коммуна», «Прогресс», «Наврўз» шўро хўжаликлари томонидан ғолибларни тақдирлаш учун 1000 сўм миқдорида пул ва қимматбаҳо буюмлар ажратилгани эълон қилинди. Майдонда қизғин беллашувлар авжига чиқди. Бу борада «Чотқол» ва «Бўстон» хўжаликлари чавандозларига тенг келадиган рақиблар топилмади. Шу ўринда «Чотқол» чавандозлари Тўрабек Дўйсебоев, Оқбой Эсенбоевларнинг чапдастлиги, моҳирлигини алоҳида қайд этиб ўтмоқчимиз Улар 510 сўмлик пул мукофоти ва қимматбаҳо совға олишди.

Ҳа, районда 400 дан зиёд чавандоз иштирокида ўтказилган халқ севган ўйинлар эл оғзига тушди.

**Тўйчи ДЎСТМАТОВ,**
**СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.**

**Паркентда райижроқўм бош бўлиб яхши тадбир ўтказилибди. Хўш, бошқа жойларда-чи? Афсуски, бу ҳақда йиғилган маълумотлар унчалик кўп эмас. Шу боис ана шу шодиёна кунлари байрам ташкилотчиларига, фахрийларга, отахонларимизга ва рўзномамиз ўқувчиларига мурожаат қиламиз. Ўзингиз билган халқ севган қадимий миллий ўйинларимиз ҳақида бизга хабар беринг. Мухбирларимиз жойларга бориб мусобақа, беллашувлар гувоҳи бўлишга тайёр. Бу ўйинларни ҳар қанча тарғиб қилсак арзийди.**

**МАФКУРА, ЁШЛАР ҲАЁТИ ВА АХБОРОТ БЎЛИМИ.**

НОҲИЯ РЎЗНОМАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

# ҚОЗОҒИМ — ЎЗ АЙМОҒИМ

Тошкент райони билан қардош Қозоғистонни битта ариқ ажратиб туради. Ариқнинг ҳар икки қирғоғида яшаётган халқларнинг туриш-турмуши, урф-одатлари деярли бир хил. Баҳорнинг илк кунлари ана шу икки қардош-қондош республикалар — Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари бу ерда учрашдилар. Бу учрашувда икки қўшни халқ дўстлиги, биродарлигини янада мустаҳкамлаш ҳақида гап борди. Ўртадаги яқин алоқаларни кучайтиришда вилоятимизнинг Тошкент райони билан Жанубий Қозоғистоннинг Сариёғоч райони меҳнаткашлари катта ишлар қилишлари мумкин.

Тошкент ноҳиясининг **«Шонли меҳнат»** рўзномаси кейинги сони «Қариндош, қондош, жондош элларимиз» умумий сарлавҳаси остида чиқди. Иккала ноҳия фирқа қўмиталарининг котибалари Н. Б. Ташимбетова ва Х. С. Саидалиева бу қўшма сондаги ўз мақолаларида Наврўзни биргаликда нишонлаш, иқтисодий, маънавий, спорт соҳасида қилинажак ҳамкорлик ҳақида фикр юритганлар. Газетада сариёғочликлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи мақола ва суратларга катта ўрин берилган. Ёзувчи Эмин Усмон «Бирлигимизнинг пойдевори бор» деган мақоласи билан ҳам қатнашган. Мақолада, жумладан, шундай ёзилади: «Биз қадимий анъаналаримизни тиклаб, бир-биримизга чинакам оға-ини бўлмоғимиз лозим. Қозоқ ўзбекни ўз оғам, ўзбек эса қозоғим — ўз аймоғим, косамдаги каймоғим, деган». Бинобарин, район қаламкашлари бундан буён ҳам ён қўшни — жон қўшнилари ҳаётини доимий тарзда кенг ёритиб боришлари керак.

